



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

***МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ***

Тошкент 2021 йил, 21 май



«Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами., Тошкент 2021 йил, 804 б.

Ушбу республика илмий-амалий конференция тўпламида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 февралда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ПҚ-677 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611 сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган масалалар, жумладан, аудит, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, иқтисодий таҳлил ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида қилинадиган ишларга бағишланган илмий мунозара асосида хулосалар билан бойитилган мақола ва тезислар жой олган.

Таҳрир хайъати раиси:

Тешабаев Т.З. – и.ф.д., проф.

Таҳрир хайъати аъзолари:

Тўйчиев А.Ж. - и.ф.д., проф.

Мехмонов С.У. - и.ф.д., проф.

Қўзиёев И.Н. - и.ф.д., проф.

Авлокулов А.З. - и.ф.д., проф.

Машарипов О.А. – и.ф.н., доц.

Абдиева Н.Ш. - PhD, доц.

Хожиев М.С. – PhD, доц.

Авазов И.Р. – PhD.

Хамидова З.У. – PhD.

Такризчилар:

Ризаев Н.К. – и.ф.д., проф.

Хажимуратов Н.Ш. - PhD, доц.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги келтирилган маълумотлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тўғрилигига ҳамда келтирилган мустақил фикр-мулоҳазалар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

таъминлаб бориши керак. Чунки корхонанинг ривожланиш поғоналари кўп жихатдан ички аудиторларга боғлиқ бўлиши керак.

ҲИСОБ СИЁСАТИ АУДИТИДА ДАЛИЛЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Зуфарова Зилола Раҳим қизи
ТМИ мустақил изланувчиси

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш борасида кейинги йилларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсад аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш ҳамда аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишдан иборат. Аудиторлик хизматлари сифатини оширишда улар томонидан ўтказилаётган аудиторлик текширувларининг халқаро стандартлар талабларига мослигини таъминлаш ва аудиторлик рискинни пасайтиришга эътибор қаратиш зарур.

Ҳисоб сиёсатини текшириш жараёнида аудиторлик рискинни аниқлаш ҳар қандай аудиторлик ташкилоти учун текширув ўтказиш жараёнида муҳим ҳисобланади. Чунки риск қанчалик паст бўлса, аудиторлик ташкилотига бўлган ишонч ҳам ошиб бораверади. Аудиторлик ташкилотлари молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ёки турдош хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлиги ва унинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини текширишга алоҳида аҳамият бериши шарт. Агарда ҳисоб сиёсати нотўғри тузилган бўлса ёки у самарали амал қилмаса, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда фирибгарлик ҳамда хато ҳолатларини кўпайтиради. Бу эса, ўз навбатида, аудиторлик рискиннинг ошишига олиб келади.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг барча объектлари ва молиявий ҳисоботнинг барча элементларини ўз ичига камраб олади. Шу боисдан ҳисоб сиёсатидаги арзимасдек қаралган жихат молиявий ҳисобот ахборотларининг бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, молиявий ҳисобот ахборотларидан манфаатдор бўлган томонларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳисоб сиёсати бўйича аудиторлик рискинни аниқлаш ва уни пасайтиришга ҳар томонлама ва чуқур ёндашган ҳолда эътибор қаратиш талаб этилади. Аудитнинг халқаро стандартларида, аудит соҳасига оид маҳаллий ва хорижий адабиётларда аудиторлик рискинни аниқлаш ва уни пасайтиришга кенг эътибор қаратилган. Бироқ ҳисоб сиёсати бўйича далил тўплаш орқали рискларни пасайтиришга атрофлича тўхталиб ўтилмаган.